Ҳужжат имзоланган:

| | |
|---|---|
| 1 | 2 |
| сана:2022.08.26 12:05:35 | сана:2022.08.26 14:39:08 |
| серия рақами: 77920ae0 | серия рақами: 778cac06 |
| компания:NASAF RESPECT MChJ | компания:QURILISH-MONTAJ VA TA`MIRLASH BOSHQARMASI UK |
| СТИР: 306299944 | СТИР: 206881501 |
| фиш: ЖАББОРОВ ШОХЖАХОН | фиш: DJUMAYEV KAXRAMON |
| email: | email: |

**11ED250D7B4E7C3EA1E81E0008000075**

электрон ҳужжат идентификатори

## ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ПРОТОКОЛИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Етказиб берувчи | "NASAF RESPECT" MCHJ | Сотиб олувчи: | "QURILISH-MONTAJ VA TA`MIRLASH BOSHQARMASI" UK |
| СТИР | 306299944 | СТИР | 206881501 |
| Манзил | ЗОХИКАМАРОН МФЙ И.КАРИМОВ КУЧАСИ 6-УЙ 1-ХОНАДОН | Манзил | SHURTAN QO`RG`ONI |

## Ҳужжат ҳақида маълумот

| | |
|---|---|
| Ҳужжат рақами ва санаси | № 32 дан 25.08.2022 |
| Шартномага | № 32 дан 25.08.2022 |

## Шартнома № 32

**Карши шахар** **25/08/2022**
(шартнома тузиш жойи) (шартнома тузиш санаси)

“NASAF RESPECT” MCHJ (бундан буён - "Бажарувчи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор Астанов Омонжон Жабборович, бир томондан, ва ""QURILISH-MONTAJ VA TA`MIRLASH BOSHQARMASI" UK" (бундан буён – "Буюртмачи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор DJUMAYEV KAXRAMON SHODMONOVICH, иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар”, алоҳида эса “Тараф” деб аталувчилар мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу шартномага биноан, Мижоз тўлайди ва қабул қилади ва Ижрочи қуйидаги шартлар асосида товарларни (хизматларни) етказиб беради:

| № | Махсулот номи(хизматлар) | Товар ( хизматлар) Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация коди ва номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нарх | Етказиб бериш қиймати | ККС | | Етказиш бахоси (ККС билан ) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | ставка | сумма | |
| 1 | Кондиционер 9 ACS | 8415001001000000 - Кондиционеры | дона | 10 | 6 936 500 | 69 365 000 | НДС сиз | | 69 365 000 |
| 2 | Кондиционер 12 ACS | 8415001001000000 - Кондиционеры | Дона | 4 | 7 178 750 | 28 715 000 | НДС сиз | | 28 715 000 |
| | Жами | | | | | | | | **98 080 000** |

Жами: 98 080 000 (Туксон саккиз миллон саксон минг сум)

**Шартноманинг умумий микдори**:Туксон саккиз миллион саксон минг сум (сумма сўзлар билан), 98 080 000 сум

1.1. Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) ўзига тегишли маиший хизмат кўрсатиш ускунасини (товарларни) буюртмачига ҳисоб-фактурага мувофиқ мулк қилиб топшириш, буюртмачи эса ушбу ускунани қабул қилиш ва шартномага мувофиқ ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ускуна ҳақида маълумотлар:

### 2. УСКУНА МИҚДОРИ ВА БАҲОСИ

2.1. Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) томонидан Сотиб олувчи (буюртмачи)га ускуна мазкур шартноманинг 1.2- бандида кўрсатилган миқдор ва баҳода топширади.

2.2. Шартноманинг умумий баҳоси 98 080 000 сўм ҚҚС сиз. (Туксон саккиз миллион саксон минг сум ) Шартноманинг умумий баҳоси мазкур шартноманинг

2.1-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолларда ва тартибда ўзгариши мумкин.

### 3. ТЎЛОВ ШАКЛИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Сотиб олувчи (буюртмачи) шартнома баҳосининг 30% ини ушбу шартномага асосан пул ўтказиш йўли билан шартнома имзоланган санадан бошлаб 5 банк иш кунидан кечиктирмасдан Сотувчи(хизмат кўрсатувчи) нинг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказади.

3.2. Тўлов, тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади.

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) нинг мажбуриятлари:

4.1.1. Ускунани шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш;

4.1.2. Сифати лозим даражада бўлмаган ускуна юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифати лозим даражада бўлмаган ускунани сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган Ускунанинг пулини ушбу шартноманинг 2-бандига мувофиқ қайтариб бериш.

4.2. Сотиб олувчи(буюртмачи) нинг мажбуриятлари:

4.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда ускунани миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олиш;

4.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган ускуна келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу ускунанинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 72 соат ичида бу ҳақда Сотувчини хабардор қилиш;

4.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда ускуна ҳақини тўлаш.

## 5. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

5.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган ускуна олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 30 кун ичида Сотиб олувчи томонидан (қўшимча эслатувсиз) олиб кетилиши керак.

5.2. Сотиб олувчи(буюртмачи) ускуна ҳақини ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган муддатда тўлайди. Ускуна учун ҳақ ушбу бандда кўрсатилган тартибда тўланмаган тақдирда Сотиб олувчи (буюртмачи) ускуна баҳосини ва шартноманинг умумий суммасини шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган тартибда ўзгартиришга ва ускунани топширмасликка ҳақли.

5.3. Шартнома тарафлар уни имзолагандан сўнг, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик бўлимларида рўйхатга олиниши лозим бўлганда, тегишли ғазначилик бўлими томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади. Тарафлар ёки тарафлардан бири шартномада белгиланган муддатда ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда шартнома тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

5.4. Ускуна Сотиб олувчи (буюртмачи) томонидан Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) кўрсатган жойда амалга оширилади.

5.5. Ускуна баҳосини қисман ёки тўлиқ тўлаган Сотиб олувчи тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 90 кун давомида шартнома тузмаган ва шартнома предметини олиб кетмаган ҳолларда Сотиб олувчи томонидан тўланган пуллар Сотувчида қолади.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ускунани топшириш ва қабул қилиш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва тегишли миқдорда жарима тўлайди.

6.2. Ускунани тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) ҳар бир кечиктирилган кунга топширилмаган ускуна қийматининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня миқдори ускуна умумий қийматининг 50% идан ошмаслиги керак.

6.3. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган ускунани алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) сифати лозим даражада бўлмаган (бут бўлмаган) ускунанинг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Ускуна ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0.4% миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Тарафларнинг келишувига мувофиқ ускуна Сотиб олувчи (буюртмачи) томонидан танлаб олиниши ва олиб кетилиши белгиланган ва Ускуна Сотувчи (хизмат кўрсатувчи) омборидан ўз вақтида ускунани олиб кетилмаган тақдирда, Сотиб олувчи(буюртмачи) пеня билан биргаликда ускунани шартномада белгиланган муддатдан ошиқ сақлашнинг ҳар бир куни учун сақлаш билан боғлиқ харажатларни тўлиқ миқдорда тўлайди.

6.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 7. ФОРС–МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан исталганининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман ижро этолмаслик вазиятлари: ёнғин, табиий офат ва томонларга боғлиқ бўлмаган бошқа сабаблар содир бўлганда, ижро этиш муддати бу каби вазиятлар ва уларнинг амал қиладиган вақтга мутаносиб равишда орқага сурилади.

7.2. Шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этишга имкони бўлмаган томон, мажбуриятларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилувчи вазиятлар содир бўлгани ёки тугаганлиги ҳақида бошқа томонга билдириш керак. Тегишли ваколатли идора томонидан “Сотувчи” (хизмат кўрсатувчи) ёки “Сотиб олувчи” (буюртмачи) га берилган маълумотнома юқорида кўрсатилган вазиятлар мавжудлигининг ишончли исботи ҳисобланади.

## 8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар, улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига ёки фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарарни айбдор тараф тўлаган ҳолда йўл қўйилади.

## 9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартнома юзасидан ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

9.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда, низо талабнома билдириш тартибига риоя қилингандан кейин қонунчиликда белгиланган тартибда судда кўриб чиқилади.

## 10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга деб ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.2 Шартноманинг амал килиш муддати имзоланган вактдан тулик бажарилгунга кадар.

## 11. МАХСУЛОТ ХАКИДА МАЪЛУМОТ

## 12. Томонларни юридик манзиллари ва реквизитлари

| Ижрочи Номи: | Буюртмачи Номи: |
|---|---|
| **“NASAF RESPECT” MCHJ** | **“QURILISH-MONTAJ VA TA'MIRLASH BOSHQARMASI” UK** |
| **Манзил:** Кашкадарё вилояти Карши шахар Зохикамарон МФЙ И.Каримов Кучаси 6-уй 1-хонадон | **Манзил**: ШУРТАН КУРГОНИ |
| **Телефон:** +99898 888 81 45 | |

| | |
|---|---|
| +99890 113 28 88 | |
| **СТИР:** 306299944 | **СТИР:** 206881501 |
| **Х/Р:** 20208000205064218001 | **Х/Р:** 20210000604624000001 |
| **Банк:** Тошкент ш АТБ “Кишлок Курилиш Банк” Бош амалиётлар | Банк: Тошкент ш “УЗСАНОАТ КУРУЛИШБАНКИ” АТБ БОШ ОФИСИ **МФО: 00440** |
| **МФО:** 01037 | |